O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 12-oktabr • N42 (3629)


# ҲУШЁРЛИК ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН!

*Биз — Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси**

## ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК КУРАШИ

Биз Ўзбекистон ёзувчилари, ҳеч шубҳасиз, терроризмга қарши кураш муносабати билан эълон қилинган Президентимиз Баёнотини ҳамда бу борада мамлакатимиз олиб бораётган изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг бош сабаби шуки, ушбу нуқтаи назар халқимизнинг, Ватанимизнинг манфаатига тўла мос келади.

Президентимиз муттасил равишда инсониятни терроризм хавфидан огоҳ қилиб келди. Кейинги воқеалар Юртбошимиз даъватларининг нечоғли ўринли бўлганлигини яна бир бор ёдга солди. Дарҳақиқат, маълум бўлдики, терроризмни бирор бир динга, бирор бир миллатга ёки давлатга алоқаси йўқ экан. Ахир, АҚШда юз берган воқеалардан олдин ҳам терроризм ўз башарасини турли минтақаларда кўрсатиб келаётганди-ку. Неча бор элчихоналар портлатилди, самолётлар олиб қочилди, шахслар гумдон қилинди. Демак, Ер юзи давлатларининг боши қовушиб, терроризмга қарши амалий кураш бошлагани воқеалар ривожининг мантиқий натижасидир. Гап бу ўринда фақатгина Америка Қўшма Штатлари ёхуд Афғонистон атрофида эмаслиги маълум бўлди. Терроризм бамисли юқумли бир касаллик сингари бутун боshли бир одамзодга таҳдид сола бошлади.

Ушбу адолатли курашдан бизнинг мамлакатимиз ҳам четда туриши мумкин эмас эди. Биринчидан, терроризм заҳмини биз ўз бошимиздан ўтказдик. Иккинчидан, терроризмга қарши ҳозир бошланган шафқатсиз кураш жумладан, Ўзбекистонга бундан буён қарши кўтарилган қўлларни ҳам қайириб ташлайди. Ўйлаймизки, терроризм ўчоқларига урилаётган зарбалар Афғонистон учун шифо бўлади ҳамда минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик, барқарорликнинг таъминланишига кафолат беради, осойишта ҳаёт сари барқарор йўл очади.

Президентимиз куни кеча Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан қилган суҳбатида айтганларидек, халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда бизнинг терроризмга қарши қаратилган эзгу даъватларимиз замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак. Бинобарин, тинчлик ва осойишталик барчамизга, ҳар биримизга бевосита даҳлдор бўлган ҳаётий зарурат, уни барқарор этиш учун кураш эса озод Ватанимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир.

## ЖАҲОЛАТНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Одамзод кейинги ўн йилликда террор балосидан жуда кўп жафо чекди. Террорчилар аввал бир киши ёки маълум бир гуруҳга қарши курашган бўлса, бугун улар бутун инсониятнинг, тараққиётнинг, цивилизациянинг душманига айланди.

Жаҳон аҳли узоқ йиллар бу балои-қазога қарши бирлашиб курашмади, улар амалга оширган фожиаларга беэътибор қаради. Натижада ўз вақтида муолажа қилинмаган яра йиринг бойлаб, бутун танага ёйилиб кетгани каби, терроризм ҳам дунё бўйлаб илдиз отди. Энг ёмони, жуда кўп мамлакатлардаги террорчилик гуруҳлари бир-бирлари билан бирлашиб, яна ҳам ёвуз кучга айланди.

Бу ёвуз кучга қарши биргалашиб курашиш керак. Шундагина уни енгиш мумкин. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 90-йиллардаёқ шу гапни айтган эди. Кейин ҳам бир неча бор мўътабар минбарлардан такрорладилар бу гапни муҳтарам Юртбошимиз. Аммо ушбу ташаббус яна эътиборсиз қолдирилди. Айрим оғзига кучи етмаган сиёсатдонлар эса Ўзбекистон ўз муаммоларини бошқа давлатлар ёрдамида ҳал этмоқчи дейишгача бориб етди. Бугунги кунда ҳам айрим чет эл матбуотида шунга ўхшаш информацион хуружлар бўлиб турибди. Бу ҳаракатлар кишиларни чалғитишга қаратилган ғаламисликдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, Ўзбекистон терроризмдан жафо чекди. У бизга ҳамон қутқу солаяпти. Лекин бу офат балосидан ҳеч ким четда эмас. Буни шу йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Нью Йорк ва Вашингтон шаҳарларида рўй берган хунрезликлар яна бир бор исботлади.

Терроризм қаерда беқарорлик, уруш, наркобизнес бўлса ўша ерда илдиз отади. Ён қўшнимиз Афғонистон замини сўнгги йилларда террорчиларнинг марказига айлангани шундан нишона. Бугун Афғонистонда кўплаб террорчилар тайёрлайдиган лагерлар фаолият кўрсатаяпти. У ерда «таълим» олган минглаб каллакесарлар дунёнинг турли нуқталарида қўпорувчилик ишларини амалга ошираяпти. Шундай экан, уларга қарши курашиш керакмиди? Албатта керак эди. Ахир қурбақани боссанг ҳам вақ этади. Террорчилар эса инсоният бошига кулфат ёғдириш билан шуғулланаяпти-ку.

Мен бир кекса ёзувчи, урушнинг нима эканлигини кўрган инсон сифатида Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги террорчиларга қарши тутган йўлини маъқуллайман. Чунки улар ҳаддидан ошиб кетишди. Террорчиларнинг мақсадлари ҳам ўзгарди: улар нафақат одамларни қўрқув ва ваҳимада ушлаб туришни, балки жаҳонга ҳукмрон бўлмоқни орзу қила бошлади. Дунёда бизни енгадиган куч йўқ деб ўйлашди.

Албатта, Навоий бобомиз хоки поклари ётган тупроқда уруш, аланга бўлаётганидан менинг ҳам ичим ачишади. Аммо бошқа йўл йўқ. Афғонистонда қутирган итлар ин қуриб олишган. Улар янчиб ташланмаса бутун дунёнинг, жумладан бизнинг мамлакатимизнинг ҳам хавфсизлигига раҳна солаверади.

Айрим кимсалар, «Америка Қўшма Штатлари «Алқаида» террорчилик гуруҳи ва террорчилар отаси Усама бин Ладенни жазолаш учун Афғонистонни бомбардимон қилиши шартмиди, деган гапларни айтиб юришибди. Баъзи чет эл оммавий ахборот воситалари «Толиблар бекорга жабр кўраяпти», дейишгача бораяпти. Аслида эса АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари тинч аҳоли пунктларига эмас, асосан террорчилар ва толибон жангарилари жойлашган иншоотларни, қурол-аслаҳа омборларини, аэродромларини бомбардимон қилди. Иккинчидан, толибларни қўйнинг оғзидан чўп олмайдиган бегуноҳ, беайбга чиқариш, уларга бекорга зарбалар берилаяпти дейиш ҳам хато. Бугун Афғонистон терроризмнинг, наркобизнеснинг, диний экстремизмнинг марказига айланган экан, бунинг учун толиблар бевосита айбдордир. Ахир улар эмасми Усама бин Ладен ва унинг тарафдорларига жой берган, террорчиларнинг бемалол фаолият кўрсатишларига шароит яратганлар. Шундай экан, террорчилар амалга оширган жиноятларга, қилган гуноҳларга толиблар ҳам шерик, бу учун улар ҳам жавоб беришлари керак.

**Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## ОЗОД ЭЛНИНГ БАҒРИ БУТУН

XX асрнинг буюк адиби У.Фолькнер: «Баъзи одамлар худонинг ишларини худонинг ўзидан кўра яхшироқ биламиз деб ўйлашади» деган эди. Ҳақиқатни, меҳру оқибатни милтиқ билан нишонга олаётганларнинг мақсади не? Ахир, инсоният неча минглаб йиллик тарихида эришган неъмати ҳам шу меҳру оқибат эмасми? Одамзод бу туйғудан маҳрум этилса, унинг ўргимчак ёки каламушдан нима фарқи қолади?

Халқаро терроризм энг аввало инсон қалбига хуруж қилмоқда. Зеро, уларнинг ниятлари дунёни жаҳолат зулматида, башариятни маънавий қуллик ботқоқларида кўришдир. Улар бойўғли деган бефайз қуш каби жаҳон харобалар ва вайроналардан иборат бўлса деб, хаёл қиладилар. Бегуноҳ одамларни ўлдиришдан завқ оладиган кимсани нима деб аташ мумкин? Касби элбузарлик, юртбузарлик бўлган ваҳший тўдаларни-чи? Ҳеч қачон қўпорувчилик, қотиллик ўзини оқламаган.

Бизнинг халқимиз ҳамиша тинчлик, осойишталик, эл-юртлар аро оқибат тарафдори бўлиб келган. Фарзандларининг манглайини силаб, катта орзу умидлар билан улғайтаётган оталар ва оналар учун шу фарзандлар бахту-саодатидан кўра муҳимроқ нарса йўқ. Худо инсонга ақлни унинг тараққий қилиши, маънан юксалиши, инсониятнинг ягона бошпанаси бўлган она заминни гуллатиши учун ато қилган. Терроризм эса, айнан унинг акси ўлароқ инсоннинг ақли ва тафаккурининг нодир меваларини яксон қилиш, она ернинг ва башариятнинг тинчини бузиш билан машғул. Бунинг ўзи Яратганга қаршилик эмасми? Уларнинг инсон тараққиётини ёмон кўришларига сабаб нима?

Буюк бобомиз ҳазрат Навоийнинг: «Олам аҳли билингиз иш эмас душманлиғ, ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш» деган сўзлари ҳам ўзбек халқининг асл қалб садосидай жаранглайди. Бу халқнинг мақсади бутун дунё халқлари билан меҳру оқибат, дўсту ёрликда яшашдир.

Ўзбек халқи ўз озодлигининг қадру-қимматини энди яхши англайди ва бу неъматдан кўра улуғроқ неъмат дунёда йўқ эканлигини янада чуқурроқ ҳис этади. Халқни халқ сифатида, миллатнинг миллат сифатида, инсонни инсон сифатида ҳимоялайдиган энг азиз неъмати озодликдир. Чунки, озодликсиз Ватаннинг ҳам, халқнинг ҳам бағри бутун бўлмайди.

Терроризм нафақат бир, ё бир неча халқнинг, балки бутун дунё халқлари озодлигининг душманидир. Бундай ёвуз ниятли кимсалар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида ҳатто диндан ҳам ниқоб сифатида фойдаланишдан уялмайдилар. Учтўртта жоҳил кимсаларнинг манфаати учун бутун бир халқни гаровга қўйиб юбораверадилар. Хусусан, афғон халқини бугун халқаро террористлар гаровга олиб ўтирибдилар.

Аммо, «кавакларда қолмас ой нури», эзгулик ва ҳақиқат ҳеч қачон мағлуб бўлмайди. Башарият жаҳолат ва тараққиётнинг, хурофот ва маънавиятнинг фарқини, қайси душман, қайси дўст эканлигини яхши англайди. Буни эса, дунё халқларининг терроризмга муносабати ва бу иллатни ер юзидан таг-томири билан суғуриб ташлаш учун олиб бораётган курашларининг ўзи далиллайди.

**Инсонлик истармен**
**ҳаёт боғида,**
**Инсонлик, Ватанлик,**
**Халқлик, Ободлик.**
**Юрагимнинг рангин**
**чимилдиғида**
**Мангу кўрсам дейман**
**сени, Озодлик.**

**Эшқобил ШУКУР**



Илоҳо, юртимизнинг тинчлиги абадий бўлсин!

## ПУЧ ИДДАО

Террор – одамларни ўлдириб мухолифларни йўқотиш, жамиятда қўпорувчи ҳаракатларни амалга ошириш билан хавф ва даҳшат туғдиришни англатади.

Терроризм ҳеч қачон эзгуликка қаратилган эмас, аксинча ҳар доим диний ва инсоний меъёрлар, умуминсоний қадриятлар ва аҳлоқий фазилатларга қарши ишлатилганлиги учун энг оғир ва ваҳшиёна жиноят ҳисобланиб келган. Унинг тарихи қон билан ёзилган.

Терроризм дин, миллат, элат ва чегара билмайди. Энг ваҳший, инсоний хислатларини йўқотган ашаддий жиноятчилар бу қабиҳ ишга қўл урадилар. Террор узоқ ўтмишга эга, сон-саноқсиз бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиб келган. Шарқу ғарбнинг машҳур шахслари, йирик олимлар ва давлат арбоблари унинг қурбонлари бўлишган. АҚШ Президентлари Браҳам Линкольн, Жон Кеннеди, Ҳиндистон раҳбарлари Маҳатма Ганди, Индира Ганди ва унинг ўғли Раджив Ганди, Миср Араб Республикаси Президенти Анвар Садат, шунингдек, «Сиёсатнома» китобининг муаллифи Хожа Низомулмулк, унинг ўғиллари ва бошқа кўп порлоқ сиймолар шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда терроризм янги шакл олиб, энг замонавий қуроллардан ҳам фойдаланмоқда.

Турли мамлакатларда юз бериб келаётган террористик ҳаракатлар, жумладан Тошкентда амалга оширилган 16 февралдаги қўпорувчилик хуружлари минтақа аҳолиси ва бутун башарият учун чалинган жиддий хавфу хатар қўнғироғи эди.

Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти диққатини бу муаммога қаратиб, илдиз отиб бораётган ушбу хавфу хатар олдини кеч бўлмасдан олиш мақсадида халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш марказини тузишга чорлаган эди.

11 сентябр куни АҚШда содир этилган террористик хуруж олти мингдан ортиқ бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлди. Бу воқеа жаҳон тарихида мисли кўрилмаган жирканч жиноят сифатида терроризмнинг ва чидаб бўлмайдиган хатар манбаига айланганлигини яна бир бор исботлади.

АҚШ ташаббуси билан терроризм манбаини йўқотишга халқаро миқёсда кескин кураш бошланганини барча тараққийпарвар инсоният томонидан маъқулланмоқда. Бу саъй-ҳаракатларга Ўзбекистон ҳукуматининг хайрихоҳлиги, бу борада бизнинг тутган йўлимиз халқимиз иродаси ва миллий манфаатларимизга ҳар жиҳатдан мосдир.

Афғонистонда ўрнашиб олган террорчилар ҳаводан берилаётган зарбалардан саросимага тушиб, АҚШга хайрихоҳ давлатлар ва халқларга қарши гўёки жиҳод эълон қилмоқчи.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, терроризм билан жиҳод орасида ҳеч қандай ўхшашлик ва алоқа мавжуд эмас, аксинча, улар орасида жиддий қарама-қаршиликлар бор.

Жиҳод сўзи – саъй кўшиш ва оғир машаққат чекиш маъносини англатади. Шариат ва ислом ҳуқуқида халқ ва ватан манфаатлари хатар остида қолганда душманга қарши курашга шайланиш барча фуқаролар учун фарзи айн деб ҳисобланган.

Жиҳоднинг яна бир маъноси ахлоқий-тарбиявий моҳиятга эга бўлиб, нафсу шайтонга қарши жиҳоддан иборат, яъни нафсни тарбиялаб уни тубанликдан қайтариш, олий инсоний фазилатларни унга сингдириб ҳақиқий инсоний юксаклик даражасига кўтариш учун жиҳод қилиш, ҳар бир мусулмон учун фарзи айндир.

Қўллари қонга булғанган бир гуруҳ жиноятчилар, террорист ташкилотлар ва башариятга қарши жиноятга қўл урган кимсалар, бошқаларга қарши жиҳод эълон қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунга биноан терроризмга қарши кураш олиб бораётган давлатлар ва халқларга қарши жаҳон миқёсида танилган жиноятчилар, норкобизнесменлар ва қўпорувчи ташкилотчилар томонидан жиҳод эълон қилиниши шариат асослари ва ислом ҳуқуқи нормаларига бутунлай хилоф ва кулгули ҳодисадир.

Жиҳод ислом шариатида олий аҳлоқий ва тарбиявий мақсадларга қаратилган қоида бўлгани учун ундан ислом ниқобини юзларига тортган жиноятчилар ўз тубан мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишга ҳақли эмаслар. Уларнинг бундай иддаолари кечириб бўлмайдиган жиноят ва илоҳий қаҳру ғазабга сабаб бўладиган гуноҳи азим ҳисобланади.

**Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ,**
**Тошкент Ислом университети**
**фиқҳ кафедраси мудири**

## БУ СОНДА:


САРОЙМУЛКХОНИМ ЕРГА ҚАРАДИ — 2
Янги романдан боб

МУНАҚҚИДНИНГ ЖАВОБИ — 3
ТАНҚИДНИ ТАНҚИД

ПАРИЖДА ОЧИЛГАН ЭШИК — 4


## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Қорақалпоғистон давлат ёш томошабинлар театри Аллаяр Досназаровнинг «Ноҳақ тўкилган қон» спектакли билан ўзининг янги мавсумини бошлади. Асар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган. Бош ролни ёш артист Омон Қудайназаров ижро этди.

***

**Маннон Уйғур номидаги Сурдондарё вилоят мусиқали драма театри Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишлаб Низомжон Парданинг «Адиб Собир Термизий» асарини саҳналаштирди. Асосий ролларни артистлар Раҳим Маматалиев, Ҳамид Орипов, Шарофат Турсунова, Чоршанби Чориев, Марат Шарипов ўйнамоқдалар.**

***

Самарқанд давлат чет тиллар институтида самарқандлик ёш рассомларнинг кўргазмаси очилди. Унда хорижий давлатларда ҳам асарлари намойиш этилган 16 нафар рассом иштирок этмоқда. Рангтасвир, графика, акварель каби йўналишларида ижод қилаётган ёшлар ҳаётда ўзлари кузатган воқеликни бетакрор чизгиларда ифода этганлар. Айниқса, П.Кашина, Н.Татаренко, Э.Зотов, Ш.Саматов,Л.Рябаконова, Ш.Баҳриева, А.Фозиловлар яратган рангтасвир асарлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**Н.УСМОНОВ**

***

***Самарқанд давлат тарих музейи қўриқхонасида «Санвикт» ногирон болалар илмий текшириш бадиий маркази ҳамда Самарқанд халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи «Бола қалби чексиз бир дунё» деб номланган халқаро болалар ижодий кўргазмасини ташкил этди. Кўргазмадан Ўзбекистон, Франция ва Буюк Британия болаларининг 100 га яқин ижодий ишлари ўрин олган.***

**С.ЖЎРАЕВА**

* * *

Ўзбекистон Ёшлар театри”Қабоҳат тузоғи-XXI” спектакли билан янги мавсумини бошлади. Бу асар, талабалар, лицей ва мактаб ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. 2-10 ноябр кунлари Ёшлар театрида Москванинг «Ведогонь-Театр» жамоси ўзспектакларини намойиш этади. Профессионал театрлардан бўлган бу даргоҳнинг номи қадимги славян сўзи «ведогань»дан олинган бўлиб, инсон руҳи деган маънони англатади. Москвалик ижодкорлар пойтахтимизга битта болалар ва иккита катталарга мўлжалланган спектакл олиб келадилар. Болалар спектакли қадимги славян асотирлари асосидаги мусиқали эртак бўлса, катталар саҳнада А.Островский қаҳрамонлари билан учрашадилар ва театр-кафе учун мўлжалланган мусиқий комедияни томоша қиладилар.

Ёшлар театрида «Ведогонь театр» бадиий раҳбари П.Курочкин иштирокида ўтган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди.


## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2002 йил учун обуна давом этмоқда.

**Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичи – 00222.**

**Ташкилотлар учун нашр кўрсаткичи – 00223.**

Обунани мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш тармоқларида расмийлаштиришингиз мумкин.

**Севимли газетангизга обуна бўлишга шошилинг!**

